

Мактабга тайёрлов гуруҳи учун ўзбек тилини ўргатиш таълимий фаолияти учун дастур Нутқ ва тил.

Тинглаб тушуниш

Ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш намаён қилиш, таниш мавзуларда катталарнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, суҳбатнинг асосий мазмунини тушуниш, суҳбатдошининг нутқини тинглаш ва айтмоқчи бўлаётган фикрини англаш, ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш.

Айрим саволларга ўзбек тилида жавоб бериш (Исминг нима?, Ёшинг нечада?, Қаерда яшайсан? Онангнинг исми нима?, Онанг қаерда ишлайдилар?, Онанг ким бўлиб ишлайдилар?), ўзбек тилида таниш кичик шеърларни ва санамаларни тинглаш ва тушунишга ўргатиш.

Сўзлашув нутқи

Диалогик нутқ.

Нутқида хорижий (ўзбекча) сўзларни қўллаш, сўзлардаги товушларни тўғри талаффуз этиш(к, ғ, ҳ,ж,), нарсалар номи, қисман уларнинг белгилари, сони, бажарган иш-ҳаракатларини билдирувчи сўзларни нутқида қўллаш, болаларда ўзбек тилида маълум даражада илк сўзлашув малакалари ривожлантириш.

Ўзбек тили машғулотида икки ва ундан ортиқ болалар билан ўзаро диалогик нутқда иштирок этиш, айрим гапларни ўзбек тилида мустақил гапириш, ўзбек тилида айрим гапларни билиш ва мулоқотда улардан фойдаланиш (ассалому алайкум, бу, исм, мен, сен, ол, ма, бер, раҳмат, менинг исмим Анвар)айрим саволларга ўзбек тилида жавоб бериш (Исминг нима?, Ёшинг нечада?, Қаерда яшайсан?), ўзбек тилида оиласи ҳақида бошқаларга сўзлаб беришга ҳаракат қилиш ва оила аъзоларининг номларини ўзбек тилида айтилишини билиш (бувим, бувам, ойим, дадам, акам, укам, синглим, опам), ўйинчоқлар (копток, кўғирчоқ, машина, самолёт, айиқча ва ҳакозо), устки кийимлар (атлас кўйлак, яхтак, чопон, нимча, кўйлак, лозим, шим, ва ҳакозо), бош кийимлар (рўмол, телпак, дўппи, қалпоқ), оила (отам-дадам, адам, онам-ойи, акам, укам, синглим, опам, амма, амаки), ҳайвонлар (сигир, қўй, бузоқот, туя, бўри, арслон, қуён) ва қушлар (каптар, мусича, қушча, лайлак, турна, қалдирғоч ва ҳакозо), сон-санок (1дан 10гача санаш: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн), сабзавотлар (сабзи, картошка, пиёз, помидор, бодринг, шолғом, саримсоқ, турп, редиска, лавлаги ва ҳакозо), ошхона идишлари (*коса, лисмонча, лаган, чойнак-пиёла, челақ* ва ҳакозо), чой идишлар (*чойнак, пиёла, қанддон*); ранглар(қизил, сариқ, кўк, яшил, оқ, қора,қизил, сариқ, жигар ранг, бинафша ранг, зарғалдоқ, сиёҳ, оч бинафша ва сарғиш ранг), тана қисмлари(бош, соч, юз, кўз, тиш, тил, лаб, кулоқ, бурун, қош, ияк, кўл, тирсак, елка, бармоқ, оёқ, юрак), касблар (шифокор ва ҳамшира, тарбиячи, ўқитувчи, тикувчи, дуродгор ва ҳакозо), кун қисмлари(“Кеча”, “Бугун”, “Эртага”), ҳафта кунлари

(“Душанба”, “Сешанба”, “Чоршанба” “Пайшанба”, “Жума”, “Шанба”, “Якшанба”), йил фасллари (“Баҳор”, “Ёз”, “Куз”, “Қиш”) номларини ўзбек тилида айтилишини билиш, уларни фарқлаш ва уларни тўғри номлашга, ўзбек тилида кичик шеърларни ва санамаларни мустақил ёддан айтиб беришга ўргатиш.

Ўйин давомида ўзбек тилидаги сўзлардан фойдаланиш, ўзбек тилида ташкил этиладиган сахна кўринишларида қатнашиш малакаларини ривожлантириш.

Монологик нутқ

Таниш нарсалар номи, қисман уларнинг белгилари, сони, бажарган иш-ҳаракатларини билдирувчи сўзларни нутқда қўллаш, болаларда ўзбек тилида маълум даражада илк сўзлашув малакалари ривожлантириш.

Ўзбек тили машғулотида айрим гапларни ўзбек тилида мустақил гапиришга ўргатиш.

Ўзбек тилида ўзи, оиласи ҳақида бошқаларга сўзлаб беришга ҳаракат қилиш ва оила аъзоларининг(бувим, бувам, ойим, дадам, акам, укам, синглим, опам) номларини ўзбек тилида айтилишини билиш, таниш ўйинчоқлар, устки кийимлар, бош кийимлар, ҳайвон ва қушлар, сонлар, сабзаётлар, ошхона идишлари, чой идишлар, ранглар, тана қисмлари, касблар, кун қисмлари, ҳафта кунларининг номларини тўғри номлаш, ўзбек тилида кичик шеърларни ва санамаларни мустақил ёддан айтиш, турли ўйинлар давомида ўзбек тилидаги сўзлардан фойдаланиш, ўзбек тилида ташкил этиладиган сахна кўринишларида қатнашишларини рағбатлантириш.

Луғат иши

Болаларнинг атроф-олам ҳодисалари ҳақидаги билимларини аниқлаш, ўзбек тилида нутқ бойлигини ошириш, сўз урғусини ўз ўрнида ишлатиб, сўзларни тўғри айта олиш мақсадида “Менинг қадрдон Ўзбекистоним”, “Менинг шаҳрим – менинг маҳаллам”, “Мен ва менинг оилам”, “Мен ва менинг дўстларим”, “Ўйинчоқлар”, “Қушлар.”, “Ҳайвонлар”, “Олтин куз”, “Сабзаётлар, мевалар”, “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти”, “Кўча ҳаракати”, “Қиш”, “Мавсумий кийим-бош ва пойафзал”, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Мен ва менинг баданим”, “Ўзбекистоннинг буюк арбоблари”, “Баҳор”, “Коинот”, “Менинг уйим”, “Мебель”, “Идишлар. Миллий нақшлар”, “Маиший асбоблар”, “Йил фасллари”, “Кун қисмлари” суҳбатлар ташкил этиш билан ўрганилаётган мавзулардаги содда, осон талаффуз этиладиган сўзларни тўғри айта билишга ўргатиш.

Луғатни фаоллаштириш.

Болаларнинг янги сўзлардан фойдаланиш ва маъносини билишга бўлган истакларини рағбатлантириш. Болаларга буюмларнинг номларини тўғри айтиш, бир-бири билан қиёслашга, фарқларини аниқлашга ўргатиш орқали луғат бойлигини оширишда давом этиш. Масалан, буюмларнинг шакли, ранги, сифати, ўлчови ва вазифаларини англатувчи сўзларни ўргатишда давом этиш.

Буюмларнинг қайси нимадан ясалганини билдирувчи сўзлар (чинни

лой, металл, пластмасса)ни ўзлаштириб боришларига аҳамият бериш. Болаларда ўзбек тилига нисбатан муҳаббат, тўғри гапиришга ўрганиш истагини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш

Болаларни ўзбек тилида сўзлашганда грамматик жиҳатдан тўғри нутқини тарбиялашда давом этиш.

Болаларга ўз нутқи ва бошқалар нутқидаги камчиликларни пайқаш ва уларни бартараф этишга интилиш ва чиройли гапириш иштиёқини тарбиялашда давом этиш. Болаларда гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, маъноли жумлалар тузиш малакасини шакллантириш. Отларни бирлик ва кўпликда қўллаш, сўзлар маъносини тушуниш. Жониворлар, нарсалар, идиш-товоклар, турли касблар номини тушуниб, аниқ айтишга ўргатиш.

Нутқда келишик қўшимчалардан тўғри фойдаланишга амалий ўргатиш.

Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш.

Ўзбек тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этиш малакасини шакллантириш. Фонетик идрокни ўстиришда давом этиш. Болага *s-z, p-f, t-d, p-b, l-r, u-o', x-h, k-g* товуш гуруҳларини тўғри талаффуз этиш ва уларни фарқлашни, овоз сифатларини (*баланд, ўртача, паст, йўгон, ингичка, жудаингичка*), нутқ суръатини (*тез, ўртача, секин*) тарбиялаш. Сўзлардаги товушларни (к, ғ, х, ж,) тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўзбек тилини ўргатиш бўйича йиллик мавзувий режа(72 соат)

Сентябрь

1-хафта

1-Мавзу: “Танишув” (1 соат)

Мақсад: Болалар эътиборини иккинчи тил-ўзбек тилига жалб этиш. Ахлоқий тарбия асослари. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ассалому алайкум, хайр, Ўзбекистон, ватан, гўзал, шаҳар.

Тушунтириш учун сўзлар: бир-бири, билан, ваалайкум ассалом, дейиш, ватанимиз номи, ўзбек тили, раҳмат, ҳозир.

Жиҳозлар: ўйинчоқлар-кўғирчоқ, сўрашаётган кишилар расм. хайрлашиш расми.

2-Мавзу: “Танишув” (1 соат)

Мақсад: болалар эътиборини иккинчи тил — ўзбек тилига жалб этиш. Ахлоқий тарбия асосларини амалга ошириш. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: шаҳар, кўча, яшил, сариқ, бир хил ранг, илтимос.

Тушунтириш учун сўзлар: ўтир, тур, (ўтиринг, туринг) дегин, келинг, ким, шамол, супурги.

Жиҳозлар: шаҳар, кўча расмлари, кичик супурги, турли рангдаги дарахт барглари.

2-хафта

3-Мавзу: “Менинг шаҳрим” (1 соат)

Мақсад: “Менинг шаҳрим” ҳақида ўз фикрини айта олишга ўргатиш. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: бизнинг шаҳар(қишлоқ), яшайман, катта ва чиройли шаҳар, транспорт, метро, автобус

Тушунтириш учун сўзлар: транспортлар қатнайди, шаҳарда катта ва кенг кўчалар бор.

Жиҳозлар: шаҳар расм, автобус, метро, кўча расмлари

4-Мавзу: “Менинг кўчам” (1 соат)

Мақсад: “Менинг кўчам” хақида ўз фикрини айта олишга ўргатиш. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: менинг кўчам, яшайман, катта ва чиройли кўча, озода, йўлка, пиёда, кўчанинг ўртасида ўйнаманг.

Тушунтириш учун сўзлар: кўчада йўлқадан юриш керак. Кўча озода тутиш керак.

Жиҳозлар: кўча, кўчада юриш одоби расмлари.

3-ҳафта

5-Мавзу: “Мен ва менинг оилам” (1соат)

Мақсад: Ўзбек тилида оила аъзоларини айта билишга ўргатиш. «Билан» кўмакчили бирикма тузиш ва, “ники” кўшимчасини нутқда ишлатиш; сўзларни ўзбекча оҳангда айта олишга ўргатиш. Ахлоқий тарбияга эътибор бериш; ўзидан каттага ҳурмат ва кичикка иззат ҳиссини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: отам — дадам, адам, онам — оий, акам, укам, синглим, опам, амма, амаки, ҳурмат, аҳил.

Тушунтириш учун сўзлар: оила, хола, одам, газета, гилам, яшайди, боғча, мактаб, ўқийди, ишлайди.

Жиҳозлар: “Оила” мавзусида мазмунли расм

6-Мавзу: “Мен ва менинг оилам” (1соат)

Мақсад: Ўзбек тилида оила аъзоларини айта билишга ўргатиш. Уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: аввал, аҳил, велосипед, дам, ёнма-ён, китоб, ишламоқ, овқат.

Тушунтириш учун сўзлар: ота, ада, дада, бажармоқ, боғча, исм, илтимос, одам, оила, ўйинчоқ, спорт, эсламоқ, ҳурмат.

Жиҳозлар: “Оила” мавзусида мазмунли расм

4-хафта 7-Мавзу: “Мен ва менинг дўстларим” (1соат)

Мақсад: Ўзбек тилида дўсти хақида айта билишга ўргатиш. Уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ўртоқ, дўст, аҳил, ёрдам бериш.

Тушунтириш учун сўзлар: бир-бирига меҳрибон, аҳил, ғамхўр бўлиш

Жиҳозлар: “Мен ва менинг дўстларим” мавзусида мазмунли расм

8-Мавзу: “Мен ва менинг дўстларим” (1соат)

Мақсад: Ўзбек тилида дўсти хақида айта билишга ўргатиш. Уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ўртоқ, дўст, аҳил, ёрдам бериш.

Тушунтириш учун сўзлар: бир-бирига меҳрибон, аҳил, ғамхўр бўлиш.

Жиҳозлар: “Мен ва менинг дўстларим” мавзусида мазмунли расм

Октябрь

1-хафта

9-Мавзу: “Қушлар ва ҳайвонлар” (1соат)

Мақсад: турли хил ҳайвон ва қушлар номини айтиб, уларнинг ранги ва бошқа фарқларини ажрата олишга ўргатиш.

Ўргатиш учун сўзлар: қўй, эчки, сигир, мусича, чумчуқ, қалдирғоч, учади, қишлайди,

Тушунтириш учун сўзлар: боқмоқ, гўшт, сут, ёғ олинади, қушлар қурт, чивинлар билан озиқланади.

Жиҳозлар: “Қушлар ва ҳайвонлар” мавзусида мазмунли расм

10-Мавзу: “Қушлар ва ҳайвонлар” (1соат)

Мақсад: турли хил ҳайвон ва қушлар номини айтиб, уларнинг ранги ва бошқа фарқларини ажрата олишга ўргатиш.

Ўргатиш учун сўзлар: қўй, эчки, сигир, мусича, чумчуқ, қалдирғоч.

Тушунтириш учун сўзлар: боқмоқ, гўшт, сут, ёғ олинади.

Жиҳозлар: “Қушлар ва ҳайвонлар” мавзусида мазмунли расм

2-ҳафта

11-Мавзу: “Сабзавотлар” (1соат)

Мақсад: “Сабзавотлар” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш; Нутқ маданияти устида ишлаш — “с”, “з”, “ш” товушлари талаффузини ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Сабзавотлар: сабзи, картошка, пиёз, помидор, бодринг, шолғом, саримсоқ, турп, редиска, лавлаги.

Таништириш учун сўзлар: мевалар: олма, гилос, ўрик, олча, анор, нок, шафтоли, олхўри, хурмо ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Полизда” мавзусида мазмунли расм, “Сабзавотлар” мавзусида тарқатма расмлар

12-Мавзу: “Сабзавотлар” (1соат)

Мақсад: “Сабзавотлар” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Нутқ маданияти устида ишлаш — “п”, “б”, “т” “д” товушлари талаффузини ўргатиш.

Таништириш учун сўзлар: Сабзавотлар: сабзи, картошка, пиёз, помидор, бодринг, шолғом, саримсоқ, турп, редиска, лавлаги ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Полизда” мавзусида мазмунли расм, “Сабзавотлар” мавзусида тарқатма расмлар

3-ҳафта

13- Мавзу:“Нон” (1 соат)

Мақсад: “Нон” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нон хамирдан тайёрланади, тандирда, печкаларда ёпилади. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Нонлар: кулча, патир, буханка, батон

Таништириш учун сўзлар: ёпилади, қиздирилади, олинади, мазали, хушбой, хид.

Жиҳозлар: “Нон” мавзусида мазмунли расм.

14- Мавзу:“Нон” (1 соат)

Мақсад: “Нон” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нон хамирдан тайёрланади, тандирда, печкаларда ёпилади. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Нонлар: кулча, патир, буханка, батон

Таништириш учун сўзлар: ёпилади, қиздирилади, олинади, мазали, хушбой, хид.

Жиҳозлар: “Нон” мавзусида мазмунли расм.

4-ҳафта

15-мавзу: “Пахта” (1 соат)

Мақсад: “Пахта” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданияти устида ишлаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: пахта:оппоқ, момик, юмшоқ, пахтакор, пахта, чигит.

Таништириш учун сўзлар: пахтазор, пахтакор, пахта терар машина, механизатор.

Жиҳозлар: “Пахтазор” мавзусида мазмунли расм, “Пахтадан олинадиган маҳсулотлар” мавзусида тарқатма расмлар

16-мавзу: “Пахта” (1 соат)

Мақсад: “Пахта” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданияти устида ишлаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: пахта:оппоқ, момик, юмшоқ, пахтакор, пахта, чигит.

Таништириш учун сўзлар: пахтазор, пахтакор, пахта терар машина, механизатор.

Жиҳозлар: “Пахтазор” мавзусида мазмунли расм, “Пахтадан олинадиган маҳсулотлар” мавзусида тарқатма расмлар

Ноябрь

1-ҳафта

17-Мавзу: “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти” (1соат)

Мақсад: “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Транспорт турларини фарқлаш, номларини тўғри айтишга ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: транспорт воситалари (енгил машина, автобус, самолёт, поезд, кема)

Таништириш учун сўзлар: юради, учади, сузади, турибди, ҳайдовчи нималарни билиши кераклиги ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти” мавзусида расмлар.

18-Мавзу: “Транспортлар” (1соат)

Мақсад: “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Транспорт турларини фарқлаш, номларини тўғри айтишга ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: транспорт воситалари (енгил машина, автобус, самолёт, поезд, кема)

Таништириш учун сўзлар: юради, учади, сузади, турибди, ҳайдовчи нималарни билиши кераклиги ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Ҳаво, сув ва ер усти транспорти” мавзусида расмлар.

2-ҳафта

19-Мавзу: “Светофор” (1соат)

Мақсад: “Светофор” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Рангларни фарқлаш, номларини тўғри айтишга ўргатиш

Ўзлаштириш учун сўзлар: светофор чироклари: қизил, сарик, яшил

Таништириш учун сўзлар: ёнади, ўчади, назорат қилади.

Жиҳозлар: “Светофор” мавзусида расмлар.

20-Мавзу: “Светофор” (1соат)

Мақсад: “Светофор” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Рангларни фарқлаш, номларини тўғри айтишга ўргатиш

Ўзлаштириш учун сўзлар: светофор чироклари: қизил, сарик, яшил

Таништириш учун сўзлар: ёнади, ўчади, назорат қилади.

Жиҳозлар: “Светофор” мавзусида расмлар.

3-ҳафта

21-Мавзу: Тез ёрдам машинаси (1соат)

Мақсад: “Тез ёрдам” машинаси ва унинг вазифалари ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: “Тез ёрдам” машинаси, касалхона, шифокор, ҳамшира, тез ёрдам.

Таништириш учун сўзлар: беморларга хизмат қилади. Беморларни касалхонага тезлик билан олиб боради, шошилиш ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига кўмаклашади.

Жиҳозлар: “Тез ёрдам” мавзусида расмлар, касалхона, шифокор, ҳамшира расмлари.

22-Мавзу: Ўт ўчириш машинаси (1соат)

Мақсад: “Ўт ўчириш” машинаси ва унинг вазифалари ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ёнғин, ўчириш, олов, ўт ўчирувчи

Таништириш учун сўзлар: Гугурт ўйнаманг, олов ёнига борманг, ёнгин кўрсангиз дарров катталарни ёрдамга чақиринг.

Жиҳозлар: ўчириш машинаси, ўт ўчирувчи, ёнгин, олов расмлари.

4-хафта

23-Мавзу: “Бажарамиз тезликда” шеърини ўқиб бериш (1соат)

Мақсад: “Бизнинг яхши ишларимиз” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: иш, кетар, кулоқ солиш, бажариш, супурамиз, сув сепамиз

Таништириш учун сўзлар: ишга кетганда, бувим сўзларига кулоқ соламиз, ҳовли супурамиз, сув сепамиз.

Жиҳозлар: ота-оналарга ёрдам мавзусида мазмунли расмлар.

24-Мавзу: “Бажарамиз тезликда” шеърини ўқиб бериш (1соат)

Мақсад: “Бизнинг яхши ишларимиз” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: иш, кетар, кулоқ солиш, бажариш, супурамиз, сув сепамиз

Таништириш учун сўзлар: ишга кетганда, бувим сўзларига кулоқ соламиз, ҳовли супурамиз, сув сепамиз.

Жиҳозлар: ота-оналарга ёрдам мавзусида мазмунли расмлар.

23-Мавзу: “Кўчадаги транспортлар (1соат)

Мақсад: “Кўчада юриш одоблари”, “Кўчадаги транспортлар” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: йўлка, пиёдалар юрадиган йўл, катта кўча, светофорнинг ранглари

Таништириш учун сўзлар: йўлакда юринг, катта кўчада ўйнаманг, атобус юради,

Жиҳозлар: Кўча, йўл, транспорт қатнайдиган йўл, пиёдалар юриши учун ажратилган ўтиш жойлари тасвирланган суратлар. Светофор макети.

24-Мавзу: “Кўчадаги транспортлар (1соат)

Мақсад: “Кўчада юриш одоблари”, “Кўчадаги транспортлар” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: йўлка, пиёдалар юрадиган йўл, катта кўча, светофорнинг ранглари

Таништириш учун сўзлар: йўлакда юринг, катта кўчада ўйнаманг, атобус юради.

Жиҳозлар: Кўча, йўл, транспорт қатнайдиган йўл, пиёдалар юриши учун ажратилган ўтиш жойлари тасвирланган суратлар. Светофор макети

Декабрь

1-хафта

25-Мавзу: “Қиш” (1соат)

Мақсад: “Қиш” ҳақида ўз фикрини айта олишга ўргатиш. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: қиш фасли, совуқ, қор, муз, чана, қорбобо ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш

Таништириш учун сўзлар: Қиш бошланди, учини, яшаш, ўйнаш, музлади

Жиҳозлар: “Қиш” мавзусида расмлар.

26-Мавзу: “Қиш” (1соат)

Мақсад: “Қиш” ҳақида ўз фикрини айта олишга ўргатиш. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: қиш фасли, совуқ, қор, муз, чана, қорбобо ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш

Таништириш учун сўзлар: Қиш бошланди, учини, яшаш, ўйнаш, музлади.

Жиҳозлар: “Қиш” мавзусида расмлар.

2-ҳафта

27-Мавзу: “Саломатлик”

Мақсад: “Саломатлик” ҳақида ўз фикрини айта олишга ўргатиш. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: тозалик, ювиш, тишларни тўғри тозалаш, оғизни чайиш, дастрўмолдан фойдаланиш.

Таништириш учун сўзлар: Қўлларни овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва ифлосланганда ювиш. Фақат индивидуал (ўзининг) тароқдан фойдаланган ҳолда тараниб юришни билиш. Уйқудан олдин ва кейин тишни мустақил равишда тозалаш.

Жиҳозлар: “Саломатлик” мавзусида расмлар.

28-Мавзу: “Саломатлик”

Мақсад: “Саломатлик” ҳақида ўз фикрини айта олишга ўргатиш. Нутқ маданияти устида ишлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: тозалик, совун, тиш чўткаси, тиш пастаси, сочик ювиш, тозалаш, оғизни чайиш, дастрўмолдан фойдаланиш.

Таништириш учун сўзлар: Қўлларни овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва ифлосланганда ювиш. Фақат индивидуал (ўзининг) тароқдан фойдаланган ҳолда тараниб юришни билиш. Уйқудан олдин ва кейин тишни мустақил равишда тозалаш.

Жиҳозлар: “Саломатлик” мавзусида расмлар.

3-ҳафта

29-Мавзу: Кийим ва пайафзал

Мавзу: “Устки кийимлар” (Зсоат)

Мақсад: устки кийимлар (атлас кўйлак, яхтак, чопон), бош кийимлар (рўмол, телпак, дўппи, қалпоқ), турлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш

Ўзлаштириш учун сўзлар: устки кийимлар:атлас кўйлак, яхтак, чопон, бош кийимлар:рўмол, телпак, дўппи, қалпоқ.

Таништириш учун сўзлар: киямиз, ечамиз, тахлаймиз, иламиз.

Жиҳозлар: “Кийимлар” мавзусида расмлар, устки кийимлар (атлас кўйлак, яхтак, чопон), бош кийимлар (рўмол, телпак, дўппи, қалпоқ), пайафзаллар расмлари.

30-Мавзу: “Қўғирчоқни кийинтирамиз” таълимий ўйин

Мақсад: ўзбек тилида кийимларнинг номини айта билишга ўргатиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш. Ахлоқий тарбия асосларини амалга ошириш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: чопон, телпак, дўппи, қалпоқ, нимча, кўйлак, рўмол, лозим, шим, сандиқ.

Тушунтириш учун сўзлар: устки кийим, бош кийим, оёқ пойабзали, кийиш, ечиш, тахлаш.

Жиҳозлар: “Қўғирчоқни кийинтирамиз” мавзусида расмлар, устки кийимлар (атлас кўйлак, яхтак, чопон), бош кийимлар (рўмол, телпак, дўппи, қалпоқ), пайафзаллар расмлари.

4-хафта Қиш йил байрами(1 соат)

Мақсад: “Қиш байрами” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: янги йил, арча, ўйинчоқлар, чиройли, қорбобо, қорқиз, совға

Тушунтириш учун сўзлар: арча атрофида, ўйин ўйнаш, рақс, қўшиқ айтиш.

Жиҳозлар: “Қиш байрами” мавзусида расмлар.

32-Мавзу: Қиш байрами (1 соат)

Мақсад: “Қиш байрами” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: янги йил, арча, ўйинчоқлар, чиройли, қорбобо, қорқиз, совға

Тушунтириш учун сўзлар: арча атрофида, ўйин ўйнаш, рақс, қўшиқ айтиш.

Жиҳозлар: “Қиш байрами” мавзусида расмлар

Январь

1-хафта

33-Мавзу:Қишги ўйинлар

Мақсад: “Қишги ўйинлар” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: чанада учиш, иссиқ кийим, қўлқоп, қорқиз, қорбобо, уй, минора, қаср яшаш.

Тушунтириш учун сўзлар: қорқиз, қорбобо, уй, минора, қаср ва ҳоказолар яшаш

Жиҳозлар: “Қишги ўйинлар” мавзусида расмлар

34-Мавзу:Қишги ўйинлар

Мақсад: “Қишги ўйинлар” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: чанада учиш, иссиқ кийим, қўлқоп, қорқиз, қорбобо, уй, минора, қаср яшаш.

Тушунтириш учун сўзлар: қорқиз, қорбобо, уй, минора, қаср ва ҳоказолар яшаш.

Жиҳозлар: “Қишги ўйинлар” мавзусида расмлар

2-хафта

35-Мавзу:Ватан ҳимоячилари куни(1соат)

Мақсад: “Ватан ҳимоячилари” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Ватан ҳимоячилари: аскарлар, чегарачилар, пиёдалар, танкчилар.

Таништириш учун сўзлар: 14-январ- Ватан ҳимоячилари куни. Ватан ҳимоячилари бу бизнинг аскар йигитларимиз, сизнинг акаларингиз бўладилар

Жиҳозлар: “Ватан ҳимоячилари” мавзусида расмлар

36-Мавзу: Ватан ҳимоячилари куни(1соат)

Мақсад: “Ватан ҳимоячилари” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Ватан ҳимоячилари: аскарлар, чегарачилар, пиёдалар, танкчилар.

Таништириш учун сўзлар: 14-январ- Ватан ҳимоячилари куни. Ватан ҳимоячилари бу бизнинг аскар йигитларимиз, сизнинг акаларингиз бўладилар

Жиҳозлар: “Ватан ҳимоячилари” мавзусида расмлар

3-ҳафта

37-Мавзу: Мен ва менинг баданим (1соат)

Мақсад: мавзуга оид сўзларни жумлада мослашган ҳолда айтиш, ўзбек ва рус тилларида қисман тафовут билан айтиладиган товушларни тўғри айтишга ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: бош, юз, кўз, тиш, тил, лаб, кулоқ, бурун, қош, қўл, бармоқ, оёқ, соч каби таянч сўзлар.

Тушунтириш учун сўзлар: ювиняпти, тозалаяпти, артяпти, тараяпти, сочиқ, совун, тароқ, тоза сўзлари , Ким нима қиляпти? Нима билан? сўроқлари.

Жиҳозлар: “Мен ва менинг баданим” мавзусида расмлар

38-Мавзу: Мен ва менинг баданим (1соат)

Мавзу:“Ўз тана қисмларимизни ўрганамиз”

Мақсад: Болаларга одамнинг бир неча органлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш

Ўзлаштириш учун сўзлар: бош, ияк, юрак, тирсак, елка.

Тушунтириш учун сўзлар: Болага ўзининг кўринишини таърифлаб бериш, юрак, тирсак.

Жиҳозлар: “Мен ва менинг баданим” мавзусида расмлар

4-ҳафта

39-Мавзу: Сехрли сўзлар (1соат)

Мақсад: “Сеҳрли сўзлар” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Сеҳрли сўзлар:ассалому алайкум, раҳмат, марҳамат, кечиринг, лаббай

Таништириш учун сўзлар: Сўзлар сеҳрли бўлишини эшитганмисиз? Меҳрибонлик, ғамхўрлик билан «Раҳмат», «хўп бўлади», «кечиринг», «лаббай» каби сўзлардан айтсангиз одамлар сизга қанчалик меҳрибон, ғамхўр эканликларини билиб оласиз.

Жиҳозлар: “Сеҳрли сўзлар” мавзусига оид расмлар

40-Мавзу: Сеҳрли сўзлар (1соат)

Мақсад: “Сеҳрли сўзлар” мавзуси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Сеҳрли сўзлар:ассалому алайкум, раҳмат, марҳамат, кечиринг, лаббай

Таништириш учун сўзлар: Сўзлар сеҳрли бўлишини эшитганмисиз? Меҳрибонлик, ғамхўрлик билан «Раҳмат», «хўп бўлади», «кечиринг», «лаббай» каби сўзлардан айтсангиз одамлар сизга қанчалик меҳрибон, ғамхўр эканликларини билиб оласиз.

Жиҳозлар: “Сеҳрли сўзлар” мавзусига оид расмлар

Февраль

1-ҳафта

41-Мавзу: “Шолғом” эртаги (1соат)

Мақсад: савол-жавоб орқали кичик диалогни ўргатиш. Нутқ маданиятида “ш”, “ғ” товушлари талаффузини ўргатиш

Ўзлаштириш учун сўзлар: айтиш, бобо, буви, қизча, кучукча, мушук, сичқон, тортди, шўрва.

Таништириш учун сўзлар: экибди, тортибди, тортолмабди, чақирди, келди, мазали, шўрва.

Жиҳозлар: “Шолғом” эртаги мавзусига оид расмлар

42-Мавзу: Қўшни малакат эртаклари (1соат)

41-Мавзу: “Шолғом” эртагини (1соат)

Мақсад: савол-жавоб орқали кичик диологни ўргатиш. Нутқ маданиятида “ш”, “ғ” товушлари талаффузини ўргатиш

Ўзлаштириш учун сўзлар: айтиш, бобо, буви, қизча, кучукча, мушук, сичқон, тортди, шўрва.

Таништириш учун сўзлар: экибди, тортибди, тортолмабди, чақирди, келди, мазали, шўрва.

Жиҳозлар: “Шолғом” эртаги мавзусига оид расмлар

2-хафта

43-Мавзу: Цитрус мевалар (1соат)

Мақсад: “Цитрус мевалар” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданияти устида ишлаш — “с”, “з”, “ш” товушлари талаффузини ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: цитрус мевалар (*лимон, апельсин, мандарин, банан*), шакли, ранги, ҳажми, таъми.

Таништириш учун сўзлар: Уларни шакли, ранги, ҳажми, таъми, истеъмол қилинишига қараб қиёслаш ва умумлаштирилган (*мевалар*) сўзлар ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Цитрус мевалар” мавзусига оид расмлар

44-Мавзу: Цитрут мевалар (1соат)

Мақсад: “Цитрус мевалар” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданияти устида ишлаш — “с”, “з”, “ш” товушлари талаффузини ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: цитрус мевалар (*лимон, апельсин, мандарин, банан*), шакли, ранги, ҳажми, таъми.

Таништириш учун сўзлар: Уларни шакли, ранги, ҳажми, таъми, истеъмол қилинишига қараб қиёслаш ва умумлаштирилган (*мевалар*) сўзлар ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Цитрус мевалар” мавзусига оид расмлар

3-хафта

45-Мавзу: Буюк сиймолар (1соат)

Мақсад: “Буюк сиймолар” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданияти устида ишлаш — “с”, “з”, “ш” товушлари талаффузини ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур.

Таништириш учун сўзлар: Буюк сиймолар хақидаги ривоятлар хақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Буюк сиймолар” мавзусига оид расмлар

46-Мавзу: Буюк сиймолар (1соат)

Мақсад: “Буюк сиймолар” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданияти устида ишлаш — “с”, “з”, “ш” товушлари талаффузини ўргатиш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур.

Таништириш учун сўзлар: Буюк сиймолар хақидаги ривоятлар хақидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Жиҳозлар: “Буюк сиймолар” мавзусига оид расмлар

4-хафта

47-Мавзу: “Бўғирсоқ” эртагини (1соат)

Мақсад: савол-жавоб орқали кичик диологни ўргатиш. Нутқ маданиятида “ғ”, “қ” товушлари талаффузини ўргатиш

Ўзлаштириш учун сўзлар: айтиш, бобо, буви, кетиш, мен, сендан, эртак, кўшиқ, айтиш, ўтириш.

Таништириш учун сўзлар: айтибди, бир бор экан, бир йўқ экан, думалаб кетди, кейин, қочиб кетди, менга, пишириб, таом, унга, узоққа яхши, кўнчадан, ўйнадик.

Жиҳозлар: “Бўғирсоқ” эртаги мазмунига оид расмлар

48-Мавзу: “Бўғирсоқ” эртагини (1соат)

Мақсад: савол-жавоб орқали кичик диологни ўргатиш. Нутқ маданиятида “ғ”, “қ” товушлари талаффузини ўргатиш

Ўзлаштириш учун сўзлар: айтиш, бобо, буви, кетиш, мен, сендан, эртак, қўшиқ, айтиш, ўтириш.

Таништириш учун сўзлар: айтибди, бир бор экан, бир йўқ экан, думалаб кетди, кейин, қочиб кетди, менга, пишириб, таом, унга, узоққа яхши, қуёнчадан, ўйнадик.

Жиҳозлар: “Бўғирсоқ” эртаги мазмунига оид расмлар

Март

1-хафта

49-Мавзу: Менинг онам, менинг бувижоним (1соат)

Мақсад: ўзбек тилида оила аъзолари номини айта билишга, уларни ҳурмат қилишга ўргатиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: даста гуллар, неча ёш, поёндоз, шоир.

Тушунтириш учун сўзлар: пахта, сочингиз, онажон, бувижон, байрам, ашула, шеър.

Жиҳозлар: “Менинг онам, менинг бувижоним” мавзусига оид расмлар

50- Мавзу: “Менинг онам, бувижоним”.

Мақсад: ўзбек тилида оила аъзолари номини айта билишга, уларни ҳурмат қилишга ўргатиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: даста гуллар, неча ёш, поёндоз, шоир.

Тушунтириш учун сўзлар: пахта, сочингиз, онажон, бувижон, байрам, ашула, шеър.

Жиҳозлар: “Менинг онам, менинг бувижоним” мавзусига оид расмлар

2-хафта

51-Мавзу: Баҳор фасли (1соат)

Мақсад: “Баҳор фасли” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш;

Нутқ маданиятини тарбиялаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: баҳор, келди, кунлар, исиди, куртак, барг, гуллар, қалдирғоч, лайлак, турна, лолақизғалдоқ, лола, варрак.

Тушунтириш учун сўзлар: бошланди, пайдо бўла бошлади, куртак чиқарди, учиб келди, очилди, учирди.

Жиҳозлар: “Баҳор фасли” мавзусига оид расмлар

52-Мавзу: Баҳар фасли (1соат)

Мақсад: “Баҳор фасли” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш;

Нутқ маданиятини тарбиялаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: баҳор, келди, кунлар, исиди, куртак, барг, гуллар, қалдирғоч, лайлак, турна, лолақизғалдоқ, лола, варрак.

Тушунтириш учун сўзлар: бошланди, пайдо бўла бошлади, куртак чиқарди, учиб келди, очилди, учирди.

Жиҳозлар: “Баҳор фасли” мавзусига оид расмлар

3-ҳафта

53-Мавзу: Наврўз байрами (1соат)

Мақсад: “Наврўз байрами” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш;

Нутқ маданиятини тарбиялаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: Наврўз, гуллар, байрам, таом, варрак, дарахт, куртак, томошо

Тушунтириш учун сўзлар: янги кун дегани, табиат уйғонади. сумалак, кўк сомсалар пиширадилар. Турли томошалар бўлади. Болалар варрак учирадилар, ўйинлар ўйнайдилар, дарахтлар экадилар.

Жиҳозлар: “Наврўз байрами” мавзусига оид расмлар

54-Мавзу: Наврўз байрами (1соат)

Мақсад: “Наврўз байрами” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш;

Нутқ маданиятини тарбиялаш

Ўзлаштириш учун сўзлар: Наврўз, гуллар, байрам, таом, варрак, дарахт, куртак, томошо

Тушунтириш учун сўзлар: янги кун дегани, табиат уйғонади. сумалак, кўк сомсалар пиширадилар. Турли томошалар бўлади. Болалар варрак учирадилар, ўйинлар ўйнайдилар, дарахтлар экадилар.

Жиҳозлар: “Наврўз байрами” мавзусига оид расмлар

4-хафта

55-Мавзу: Ҳашоратлар (1соат)

Мақсад: “Ҳашоратлар” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Ҳашоратлар: хон қизи, холдор, қизил, гул, кўнади, шира бит, озикланади.

Тушунтириш учун сўзлар: Чиройли холдор хонқизи. Хонқизи қизил рангда. Кичкина. Қора тангачалари бор. Хонқизи эрта-ю, кеч ўсимликлар баргларида бўлади, гулдан-гулга кўнади. Хонқизи экин ва дарахт баргларига тушган шира битлари билан озикланади. Қаранг, қанотлари қандай чиройли.

Жиҳозлар: “Ҳашоратлар” мавзусига оид расмлар

56-Мавзу: Ҳашоратлар (1соат)

Мақсад: “Капалак” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Капалак, оқ, сарик, қизил, чиройли, учади, қанот қоқади, озикланади.

Тушунтириш учун сўзлар: Капалак эрта-ю, кеч гулдан гулга учади, гулдан-гулга кўнади. Қаранг, қанотлари қандай чиройли. Капалак фақат гулни яхши кўради.

Жиҳозлар: “Капалаклар” мавзусига оид расмлар

Апрель

1-хафта

57-Мавзу: Баҳор фасли (1соат)

Мақсад: “Баҳор фасли” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Баҳор, фасли, келди,илик, қалдирғоч, турна, учиб келди, қоқиўт, жағ - жағ, лолақизғалдоқ.

Тушунтириш учун сўзлар: Баҳор келди. Кунлар исий бошлади. Дарахтларда куртак, барглар пайдо бўла бошлади. Қалдирғоч, турналар учиб келди.

Жиҳозлар: “Баҳор фасли” мавзусига оид расмлар

58-Мавзу: Баҳор фасли (1соат)

Мақсад: “Баҳор фасли” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш;

Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Баҳор, фасли, келди,илик, қалдирғоч, турна, учиб келди, қоқиўт, жағ - жағ, лолақизғалдоқ.

Тушунтириш учун сўзлар: Баҳор келди. Кунлар исий бошлади. Дарахтларда куртак, барглар пайдо бўла бошлади. Қалдирғоч, турналар учиб келди.

Жиҳозлар: “Баҳор фасли” мавзусига оид расмлар

2-ҳафта

59-Мавзу: Коинот (1соат)

Мақсад: “Коинот” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: куёш, ой, юлдузлар, ёруғ, таратади, иссиқ, нур, сочади.

Тушунтириш учун сўзлар: Бугун куёш яхшигина қиздираяпти. Куёш чакнаб нур сочяпти, куёш нурлари ерни қиздираяпти. Ой ҳам ўз ёруғини тунда тартади.

Жиҳозлар: “Коинот” мавзусига оид расмлар

60-Мавзу: Коинот (1соат)

Мақсад: “Коинот” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: куёш, ой, юлдузлар, ёруғ, таратади, иссиқ, нур, сочади.

Тушунтириш учун сўзлар: Бугун куёш яхшигина қиздираяпти. Куёш чакнаб нур сочяпти, куёш нурлари ерни қиздираяпти. Ой ҳам ўз ёруғини тунда тартади

Жиҳозлар: “Коинот” мавзусига оид расмлар

3-ҳафта

61-Мавзу: Ер сайёраси (1соат)

Мақсад: “Ер сайёраси” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ер куни, парвариш қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш, исроф қилмаслик, тежаш

Тушунтириш учун сўзлар: ҳайвон, дарахт, ўсимлик қушларни парвариш қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, сувни исроф қилмаслик, уни тежаш.

Жиҳозлар: “Ер сайёраси” мавзусига оид расмлар

62-Мавзу: Ер сайёраси (1соат)

Мақсад: “Ер сайёраси” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ер куни, парвариш қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш, исроф қилмаслик, тежаш.

Тушунтириш учун сўзлар: ҳайвон, дарахт, ўсимлик қушларни парвариш.

Жиҳозлар: “Ер сайёраси” мавзусига оид расмлар

4-ҳафта

63-Мавзу: Сайёрани сақла (1соат)

Мақсад: “Сайёрани сақла” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Озода шаҳар, кўкаламлаштирилган шаҳар, дарахт, тоза ҳаво.

Тушунтириш учун сўзлар: Шаҳримиз чиройли озода қилиш учун яна нима қилишимиз керак? Тарбиячи:тўғри, болалар дарахтларни кўп экишимиз керак. Дарахтлар бизга тоза ҳаво етказиб беради.

Жиҳозлар: “Сайёрани сақла” мавзусига оид расмлар

64-Мавзу: Сайёрани сақла (1соат)

Мақсад: “Сайёрани сақла” мавзуси бўйича болаларнинг луғатини бойитиш. Нутқ маданиятини тарбиялаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Озода шаҳар, кўкаламлаштирилган шаҳар, дарахт, тоза ҳаво.

Тушунтириш учун сўзлар: Шаҳримиз чиройли озода қилиш учун яна нима қилишимиз керак? Тарбиячи:тўғри, болалар дарахтларни кўп экишимиз керак. Дарахтлар бизга тоза ҳаво етказиб беради.

Жиҳозлар: “Сайёрани сақла” мавзусига оид расмлар

Май

1-ҳафта

65-Мавзу: Менинг уйим (1соат)

Мақсад: “Менинг уйим” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ҳовли уй, кўп қаватли биноли уй, яшамоқ, менинг хонам, тўғри айтишни ўргатиш

Таништириш учун сўзлар: оилангиз билан уйда тушган расмингизни сўраб олганман. Ҳозир ҳаммамиз биргаликда бу расмларни кўриб чиқамиз.

Жиҳозлар: “Менинг уйим” мавзусига оид расмлар

66-Мавзу: Менинг уйим (1соат)

Мақсад: “Менинг уйим” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ҳовли уй, кўп қаватли биноли уй, яшамоқ, менинг хонам, тўғри айтишни ўргатиш

Таништириш учун сўзлар: оилангиз билан уйда тушган расмингизни сўраб олганман. Ҳозир ҳаммамиз биргаликда бу расмларни кўриб чиқамиз.

Жиҳозлар: “Менинг уйим” мавзусига оид расмлар

2-ҳафта

67-Мавзу: “Мебель” (1соат)

Мақсад: “Мебель” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: мебель: стол, стул, кровать, шкаф, диван тўғри айтишни ўргатиш.

Таништириш учун сўзлар: “Кичкинтой-мебелчалар” ўйинини ўйнаймиз. Мен сўз айтаман. Сиз бу сўзларни кичрайтириб айтасиз. Менда стол, укамда эса ... (столча) бор.....

Жиҳозлар: “Мебель” мавзусига оид расмлар

68-Мавзу: Мебель (1соат)

Мақсад: “Мебель” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: мебель: стол, стул, кровать, шкаф, диван тўғри айтишни ўргатиш

Таништириш учун сўзлар: мебеллар ҳақидаги сифат сўзлар (ёғоч, пласмасса, темир, юмшоқ, қаттиқ, ошхона, ётоқхона, мехмонхона), “Бу мебель нима учун керак? (ўтириш, ётиш, овқатланиш, ўқиш, ишлаш, дам олиш, ухлаш ва ҳоказо) билан бойийди.

Жиҳозлар: “Мебель” мавзусига оид расмлар

3-ҳафта

69-Мавзу: “Ошхона идишлар” (1соат)

Мақсад: “Идиш-товок” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ўзлаштириш учун сўзлар: ошхона идишлари (*коса, лисонча, лаган, чойнак-тиёла, челақ*)ни фарқлашни, номларини тўғри айтишни ўргатиш

Таништириш учун сўзлар: турибди, бер, беринг, олиб келинг, қўй, қўйинг, юв, ювинг, арт, артинг

Жиҳозлар: “Ошхона идишлар” мавзусига оид расмлар

70-Мавзу: “Чой идишлар” (1соат)

Мақсад: “Чой идишлари” мавзуси бўйича болаларнинг лексик билимларини мустаҳкамлаш; юриш; сакрашнинг турли турларини ўргатиш; ҳаракат координацияси, эшитиш диққати, бармоқлар мушакларини ривожлантириш

Ўзлаштириш учун сўзлар: *чай идишлари – чайнак, пиёла, қанддон* фарқлашни, номларини тўғри айтишни ўргатиш.

Таништириш учун сўзлар: Идишлар қаерда? Идишлар жавонда. Сен мана бу косаларни юв ва артиб қўй.

Жиҳозлар: “Ошхона идишлар” мавзусига оид расмлар

4-ҳафта

71-Мавзу: Маиший асбоблар (1соат)

Мақсад: “Маиший асбоблар ” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг вазифалари ҳақидаги сўзлар билан бойийди.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Маиший асбоблар: кетмон, белкурак, челақ, теша

Таништириш учун сўзлар: Кетмон- ерни чопиш, юмшатиш, эгат олишда ишлатилади.

Белкурак- ерни чопиш, юмшатиш, кўчат экишда чуқур қазишда ишлатилади.

Челақ- ўсимликларни суғоришда, сув ташиш, сув қуйишда, сабзовотларни йиғишда ишлатилади

Теша – чопиқ қилишда, ўтоқ қилишда, чуқурча олишда ишлатилади.

Жиҳозлар: “Маиший асбоблар” мавзусига оид расмлар

72-Мавзу: “Маиший асбоблар” (1соат)

Мақсад: “Маиший асбоблар ” ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг вазифалари ҳақидаги сўзлар билан бойийди.

Ўзлаштириш учун сўзлар: Маиший асбоблар: кетмон, белкурак, челақ, теша

Таништириш учун сўзлар: Кетмон- ерни чопиш, юмшатиш, эгат олишда ишлатилади.

Белкурак- ерни чопиш, юмшатиш, кўчат экишда чуқур қазишда ишлатилади.

Челақ- ўсимликларни суғоришда, сув ташиш, сув қуйишда, сабзовотларни йиғишда ишлатилади

Теша – чопиқ қилишда, ўтоқ қилишда, чуқурча олишда ишлатилади.

Жиҳозлар: “Маиший асбоблар” мавзусига оид расмлар